O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 21 апрел жума

Сотувда эркин нархда № 77 (2374)

ПРЕЗИДЕНТЛАР УЧРАШУВИ

20 апрел куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Аскар Акаев ва Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмоновнинг учрашуви бўлди.

Учрашув арафасида Президентимиз тадбирни ёритиш учун ҳукумат қароргоҳига йиғилган журналистларга қўшни мамлакатлар раҳбарларининг мулоқотини ташкил қилишдан кўзланган мақсад ҳақида сўзлади. Маълум бўлишича, учрашув Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан уюштирилган. Бунинг сабаби, Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарларининг, халқаро тадбирлар доирасидаги учрашувларни ҳисобга олмаганда, бир жойга йиғилиб, ўзаро мулоқот ўтказмаганига анча бўлди. Бу орада ҳамкорликда ечилиши лозим муаммолар пайдо бўлганлиги тайин.

Мулоқот чоғида мамлакатимиз раҳбари ўз юртимиз учун ҳам, қўшниларимиз учун ҳам жуда долзарб ва фойдали бўлган масалани илгари сурди. Бу минтақа мамлакатлари хавфсизлик органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва ҳамкорлигини кенгайтириш борасида муайян ҳуқуқий пойдевор яратиш масаласидир. Гап шундаки, Марказий Осиё давлатлари ўртасида ўзаро икки юздан ортиқ ҳужжат имзоланганига қарамай, улар орасида ҳалигача мазкур масалага тегишли ҳужжат йўқ. Ўтган йили Қирғизистоннинг Боткен туманига жангарилар бостириб кирганида бу камчилик яққол намоён бўлди. Ваҳоланки, ҳарбий-техникавий ёрдам сўраш ёки шундай ёрдам кўрсатиш, террорчиликка қарши ҳамкорликда курашиш билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштирадиган ва белгилаб берадиган ҳужжат қабул қилиш мумкин эди.

Шу боис, минтақавий ҳамкорлик ва Марказий Осиё мамлакатларининг ўзаро муносабатларига оид масалалар муҳокама этилган учрашувда хавфсизлик мавзуига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Шу куни Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон ташқи ишлар вазирлари ва хавфсизлик кенгаши котибларининг учрашуви ҳам бўлиб ўтди. Унда мамлакатлараро муносабатларни янада ривожлантириш, минтақавий хавфсизликка оид ва бошқа масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

* * *

21 апрел куни Дўрмон қароргоҳида тўрт мамлакат президентларининг учрашуви давом этади.

(ЎзА)

СУРАТДА: учрашув пайти.
Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.

Бу йил мамлакатимизда карийб бир ярим миллион гектар майдонга чигит экилади. Айни вақтда 1 миллион 200 минг гектардан ортиқ майдонга барака уруғи қадаб бўлинди. Андижон, Сурхондарё, Самарқанд, Фарғона ва Тошкент вилоятлари деҳқонлари экиш мавсумини муддатидан олдин тугаллади. Қолган вилоятларда ҳам бу тадбир уюшқоқлик билан давом эттирилмоқда.

ТЎЛИҚ КЎЧАТ — ҲОСИЛ ГАРОВИ

Плёнка остига чигит экишда бой тажриба тўплаган Андижон вилояти меҳнаткашлари уруғликни барча майдонга ана шу усулда экди. Шу кунга қадар вилоятдаги 90 фоиздан ортиқ майдонда чигит тўлиқ униб чиқди. Тошкент, Фарғона ва Бухоро вилоятларида ҳам 50-60 фоиз майдонда кўчат бўй чўзиб қолди. Эндиги вазифа униб чиққан кўчатни асраб-авайлаб парвариш қилишдан иборат.

– Ғўза ниҳолини парваришлашда агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш муҳим омил саналади,– дейди Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги пахтачилик бошқармаси бош мутахассиси А.Орипов. – Ниҳолда 2-3 та чинбарг пайдо бўлганда яганалаш энг қулай вақт ҳисобланади. Бу тадбир қанчалик тез ўтказилса, қолдирилган туплар-нинг ривожланишига шунчалик яхши шароит яратилади. Умуман, пахтачиликда ҳар бир тадбирни ўз вақтида сифатли ва самарали ўтказиш билангина кўзланган маррага эришиш мумкин.

Олим НОРБЕКОВ, ЎзА мухбири.

ИШНИНГ КЎЗИНИ, ЕРНИНГ ТИЛИНИ БИЛГАН ЮТАДИ

Юртнинг бой-бадавлат бўлиши, шаҳар ва қишлоқлар ободонлиги, эгнимизнинг бутлиги, дастурхоннинг тўкин-сочинлиги ҳар биримизнинг сидқидилдан меҳнат қилишимизга боғлиқ

ТАҲЛИЛ

Маҳалламиздаги иккита оиланинг турмуш тарзи, бу ердаги шароит, хонадон эгаларининг ҳол-аҳволи кўз олдимда тез-тез гавдаланади. Ёнма-ён яшаб, битта арикдан сув ичган икки оила хўжаликнинг битта бригадасида ишласаларда, ҳаёт кечиришлари турлича. Бири ўзига тўқ, ҳовлижойи ҳамиша супуриб-сидирилган, катакдан товуғи, бостирма остидан мол-қўйи узилмасди. Иккинчи рўзғордаги ҳолат тамомила бошқача.

– Бу ерда ҳеч қандай сир йўқ, – тушунтирарди раҳматли отам. – Ўзига тўқ оиланинг бошлиғи ҳаракатчан, уддабурон, меҳнатдан қочмайдиган одам. Ўз қадр-қимматини яхши билади. Ориятли қаттиқ. Бола-чақасини яхши едириб, яхши кийдиргиси келади.

– Нариги оиладагиларчи?

– Уларга кун ўтса бўлди, – қўл силтарди отам.

Ислоҳотлар одимини таҳлил қилар эканмиз, отам билан бўлган ўша суҳбат беихтиёр ёдимга тушади...

Кейинги йилларда андижонликларнинг ғаллачилик ва пахтачилик соҳаларида эришаётган муваффақиятлари бутун мамлакатга маълум. Вилоят пахтакорлари ўтган йили давлат омборига 331802 тонна қимматбаҳо саноат хомашёси етказиб беришди. Айни пайтда 255 та пахтачилик бригадасида режа барбод қилинди. Шунинг ҳисобига 6695 тонна пахта кам тайёрланди.

Икки мавсумдан буён, айниқса, Балиқчи туманида пахта тайёрлаш орқага қараб кетмоқда. Бунда «Бўстон» ширкатлар уюшмасининг «улуши» салмоқли бўлаётганини ачиниш билан айтиш жоиз. «Бўстон»да ўтган йили 6847 тонна пахта тайёрланиши режалаштирилган эди. Бу – туман бўйича белгиланган режанинг йигирма фоизини ташкил этади. Шундай йирик хўжаликда топшириқ 70,7 фоиз уддаланди, холос. Пировардида режадагидан 2005 тонна пахта кам тайёрланди.

«Бўстон»га ён қўшни бўлган А. Мўминов номли жамоа хўжалигида эса манзара мутлақо бўлакча. Ҳар икки хўжаликнинг ер шароитида деярли фарқ йўқ. Майдонларнинг аксарияти бир арикдан сув ичади. Мўминовчилар ҳосилдорлиги гектар бошига 33 центнерга етказгани ҳолда, «Бўстон»да бу кўрсаткич 22 центнерда қолиб кетди.

Ўз умрини, тақдирини дала билан боғлаган, пахтанинг орқасидан рўзғор тебратаётган олимбекликлар эса кўп йиллик бой тажрибаларига таяндилар. Тасарруфидаги ерларга ўз томорқасидай муносабатда бўлдилар. Энг муҳими, тер тўкиб меҳнат қилдилар. «Бўстон»да эса тўла гектарлар яратилишига панжа орасидан қаралди. Натижада кўчатнинг меъёрий бутлиги бузилди – ҳар гектар ерда 55-60 минг туп ғўза сақланди, холос.

Бундай ачинарли ҳолатни Кўрғонтепа туманидаги «Дардоқ» хўжалиги мисолида ҳам кўриш мумкин. Кейинги йилларда бу хўжаликка «кўз тегди». Қўшни жамоалар ўз ютуқларини кўпайтираётган бир пайтда бу ерда ишлар орқага қараб кетмоқда. Аҳволни ўнглаш мақсадида «Дардоқ» иккита хўжаликка бўлинди. «Дардоқ»ликлар режага кўра, 1150 гектар майдондан 3080 тонна пахта ҳосили олишлари керак эди. Бироқ режалар, йил бошидаги орзу-умидлар қоғозлар қатида қолиб кетди. Йиллик режа зўр-базўр 85,16 фоиз уддаланди. Давлатга 457 тонна пахта кам етказиб берилди.

«Дардоқ»дан ажралиб чиққан «Дўстлик» жамоа хўжалиги эса бир йилдаёқ қаддини тиклаб олди. Ҳосилдорлик 4,6 центнер ортди.

Тўғри, ҳар икки хўжалик экинзорлари захкаш, ер ости сувлари яқин. Сизот сувларини қочириш мақсадида зовурларни тозалаш, сув йўлларини тартибга келтириш учун қўшимча кучлар, шунга яраша маблағ ажратилди. Бироқ, юқорида айтиб ўтганимиздек, ғалвир сувдан қўтарилганда, турлича натижаларга эришилганлиги ойдинлашди.

«Дардоқ»да, худди «Бўстон»да бўлгани каби, ғўза парваришига етарли эътибор берилмади. Экин бегона ўт исканжасида қолди. Маъданли ўғит меъёрида солинмади. Натижада нимжон ғўза ҳосил тугунчаларини ушлаб қололмади.

Мутахассислар ва тажрибали деҳқонлар экин майдонларини кенгайтирмаган ҳолда, пахтадан мўл ва сифатли ҳосил олиш мумкинлигини амалда исбот этмоқдалар. Бунинг учун, аввало, нав хусусиятлари, чигитни плёнка остига барча қоидаларга риоя қилган ҳолда жойлаштириш, ҳар бир агротехника тадбирининг ўз вақтида ўтказилишига эришишдан ташқари, экиш схемасини тўғри танлашга эътибор қаратмоқдалар. Маълумки, ўсимлик ривожида ҳаво, ёруғлик, иссиқлик, озуқа ва нам муҳим аҳамият касб этади. Негаки, пахта — иссиқсевар экин. Мабодо ўша беш омилдан бирортаси етишмаса, ўсимлик ривожидаги меъёр бузилади.

Афсуски, айрим раҳбарлар деҳқончиликдаги ана шу оддий ҳақиқатни унутиб қўймоқдалар. Жалолқудуқ туманидаги «Ойим» хўжалигида илгари 90 схемасида чигит экиларди. Чунки хўжалик ерларига сизот сувлари жуда яқин – захкаш. Бунинг устига, ерлар енгил туп-роқдан иборат. Шу сабабли, адирликдаги ерларга 60, қолган майдонларга 90 схемасида чигит экиш талаб этиларди. Аммо 1218 гектар ернинг саккиз юз гектарига 60 схемасида чигит қадалди. Ернинг захкашлиги, ғўза ниҳолларига ҳароратнинг меъёрида етиб бормаганлиги, устига-устак, далани бегона ўт босиб кетганлиги боис ҳосил пишиб етилиши кечикди. Оқибатда хўжаликда режа ҳашарчилар ёрдамида бажарилсада, ҳосилдорлик гектарига 26 центнердан ошмади.

Деҳқончиликда ҳосилдорлик ҳар доим асосий кўрсаткич ҳисобланган. Даромад ҳам шунга қараб кўпаяди. Ўтган йили Олтинкўл туманидаги «Намуна» жамоа хўжалигида гектаридан 43,2 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Шу тумандаги «Андижон», Шаҳрихондаги «Ҳақиқат», «Шаҳрихон», «Дўстлик», «Янги ҳаёт», «Бўстон» хўжаликларида ҳам қувонарли натижаларга эришилди. Ана шу муваффақиятлар замирига чуқурроқ назар ташланса, шубҳасиз, бунда экиш усулининг тўғри танланганлиги аён бўлади. Буни чуқур ҳис этган омилкор деҳқонлар, мутахассислар шу кунларда тўлиқ майдонлар ҳосил қилиш учун курашмоқдалар.

Қолаверса, чуқур билим ва бой тажрибага эга бўлган раҳбар, мутахассис, аввало, ерни ҳам, ўзини ҳам алдамайди. Аксинча, ўзига ишониб топширилган ернинг ҳар бир қаричидан самарали фойдаланади. Деҳқонларни эса ўз ортидан эргаштиради. Уларни изланишга, янгиликларга дадил қўл уришга, пировард натижада ўзини ҳам, хўжаликни ҳам бой-бадавлат қилишга даъват этади. Бойликка эса фақат лешона тери тўкиб қилинган ҳалол меҳнат билан эришилади.

Ернинг умрини бекорга ўтказаётган, хўжаликни қолоқлик ботқоғига тортаётган, деҳқонларнинг эртанги кунга бўлган ишончини сўндираётган раҳбарларга эса Юртбошимизнинг мана бу сўзларини яна бир карра эслатиб қўймоқчимиз:

– Ислоҳотлардан мақсад, – деб таъкидлади Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида, – кишиларнинг меҳнатга муносабатини ўзгартириш, ҳақиқий мулкдорлик, ижара шартномаси асосида ўзларига берилган ерга, унда етиштирилган маҳсулотга эгалик туйғусини қарор топтириш эканини улар ҳали тўлиқ тушуниб етмаяпти. Токи, ҳар бир деҳқон ўз меҳнатининг сифати ва самарадорлигига яраша ҳақ олишига, рағбатлантирилишига ишонч ҳосил қилмас экан, шуни билиб қўйинглар, қишлоқда ҳеч қандай жиддий ўзгаришга эришиб бўлмайди.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ШУ СОНГА ХАБАР

Ўзбекистон Олимпия шон-шуҳрати музейида Россиянинг Подольск шаҳрида кўл жанги бўйича бўлиб ўтган халқаро турнирда совринли ўринларни эгаллаган ёш спортчиларни мукофотлаш маросими бўлиб ўтди.

МЕДАЛЛАР БИЛАН ҚАЙТИШДИ

Бу нуфузли турнирда Ҳамдўстлик давлатларидан 42 спортчи иштирок этди. Унда ҳамюртларимиз Шерзод Қобилов, Рустам Магдиев, Абдуҳамид Бахромов ва Музаффар Жуманиёзов олтин медаль Шуҳрат Минавваров эса бронза медаль сохиби бўлди.

(ЎзА).

ПИЛЛАКОРЛАР МАВСУМИ БОШЛАНДИ

Сурхон воҳасида ипак қурти парвариши бошланди. Вилоят пиллакорлари бу йил минг тоннадан ошириб "кумуш тола" олиш ниятида меҳнат қилмоқда. Фарғона водийси уруғчилик корхоналаридан келтирилган 21,2 минг қути ипак қурти инкубаторларда жонлантирилиб, пиллакорларга шартнома асосида тарқатилди.

Шартномага биноан пиллакорлар етиштириладиган ҳосилнинг 50 фоиз ҳақини олдиндан аванс тариқасида олмоқда. Шунингдек, ипак қуртини парваришлаш учун зарур жиҳозлар ҳам тарқатиляпти.

Ч. ТЎХТАЕВ, ЎзА мухбири.

СОТУВЧИ НОҲАҚ БЎЛСА...

Истеъмолчи нималарни билиши керак?

Ўткир тиг остида

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси мутахассислари томонидан 2000 йилнинг биринчи чорагида ўтказилган текширувлар мамлакатимизда савдо корхоналарида «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун талаблари қўпол равишда бузилаётганлигини кўрсатди. Хусусан, «Ўзбекбирлашув»нинг туман ва вилоятлардаги «Матлуботсавдо» акционерлик жамиятларига қарашли ва шартнома асосида фаолият кўрсатувчи 296 та савдо корхонаси, 10563 та савдо шохобчасидан 590 таси «элак»дан ўтказилганда, шулардан 422 тасида, яъни 71,5 фоизида савдо қоидаларига риоя қилинмаганлиги аниқланди. Ана шу қоидабузарларга нисбатан 2936 минг сўмлик иқтисодий жарималар қўлланилди.

Аниқланган барча камчиликларнинг асосий қисми сотувчи томонидан товар ишлаб чиқарувчи (бажарувчи, сотувчи)га савдо ва хизмат кўрсатиш қоидалари тўғрисида маълумотларнинг тақдим этилмаслиги туфайли юзага келган. Айрим савдо ходимлари эса савдо ва хизмат кўрсатишда ўзига хос усул қўллаб, «Харидор қанча кам билса, уни алдаш шунчалик осон кечади» қабилида иш юритишмоқда. Лекин бу усул «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасига зид ҳаракат бўлиб, бундай «фаолият»га нисбатан жарима қўлланилади. Бинобарин, 105 ҳолатда ана шу усул билан савдо-сотиқ қилиш ҳоллари аниқланиб, айбдорларга Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси томонидан жами 87,5 минг сўм жарима солинди.

Товарларда нархномаларнинг йўқлиги ҳам, мазкур Қонуннинг 6-моддасида белгиланганидек, савдо интизомини бузиш ҳисобланади. Аҳолини ана шу йўл билан алдаш, айниқса, Самарқанд вилоятида «русм» бўлган кўринади. Бу ерда текширилган 117 та дўконнинг 2 тасидан 15 тасигача ҳалқ истеъмол молларига нархномалар қўйилмаганлиги кузатилди. Қонунбузарларга мавжуд камчиликларни уч кун ичида бартараф этиш тўғрисида ёзма кўрсатма берилди. Назорат органининг кўрсатмасини бажармаган Ургут туманидаги «Ғўс» ва «Испанза» савдо корхоналарининг ҳар биридан эса энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорида, жами 175 минг сўм жарима ундирилди.

Ана шундай қонунбузарликлар Сурхондарё (35 ҳолатда), Навоий (21 ҳолатда) ва Сирдарё (20 ҳолатда) вилоятларида ҳам аниқланди. Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасининг ёзма кўрсатмасига бефарқ муносабатда бўлган 256 та савдо шохобчаси 455 минг сўмлик жарима билан «сийланди».

Андижонлик «уддабуронлар» эса ўлчов асбоблари – тарози ва унинг тошлари давлат стандарти талабларига жавоб бермаса-да, бундан «кўз юмиб» юраверишган. Жумладан, Кўрғонтепа тумани улгуржи савдо омбори, Жалолқудуқ тумани савдо-ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятига қарашли савдо шохобчаларидаги «шоввозлар» харидорларнинг ҳақига ана шу йўл билан хиёнат қилишганлиги ошкора бўлди. Аслида, қайд этилган савдо ташкилотларининг ўлчов асбоблари махсус текширувдан ўтказилмагани «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддасига хилофдир.

Сифатсиз тарози ва тошлардан фойдаланиш ҳоллари республикамиздаги 104 та савдо ташкилотида рўй берган. Қайд этилган камчиликларни бартараф этиш учун Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасининг ҳудудий органлари томонидан «Ўздавстандарт»нинг вилоят ташкилотларига маълумотномалар тақдим этилди.

«Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддаси асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1997 йил 14 июлда қабул қилинган «Айрим турдаги товарларнинг чакана савдоси қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорда савдо шохобчаларининг тегишли санитария ҳолатида сақланиши, савдо ходимларининг мажбурий тиббий кўрикдан ўтишлари, «Шикоят ва таклифлар китоби»нинг мавжуд бўлиши кўзда тутилган. Афсуски, Бухоро вилоятидаги «Когонматлуботсавдо»га қарашли нонвойхонада, Сирдарё, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларидаги қатор савдо корхоналарида бу талабларга зид равишда иш юритилган. Ачинарлиси, республика бўйича жами 192 та савдо ташкилотида санитария ҳолатига риоя этмасликдек камчиликлар содир этилган. Ана шундай қонунбузарликларга йўл қўйган ташкилотларга тегишли жазо чоралари қўлланилди.

Харидорларга харид қилган маҳсулотлари учун тегишли ҳужжатлар (касса, товар чеки)нинг берилмаслиги ҳам «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддаси талабларини бузиш ҳисобланади. Аммо Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги «Матлуботсавдо» ҳиссадорлик жамиятига қарашли 50-сонли дўкон ходимлари буни унутишгани тибда йўқ қилиб ташланди.

Шу билан бирга, айрим савдо ташкилотларида бошқа савдо қоидаларининг бузилишига ҳам йўл қўйилмоқдаки, бу ҳолатлар билан асло муроса қилиб бўлмайди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 14 декабрдаги қарорига мувофиқ, савдо дўконларида 8 хил кундалик эҳтиёж маҳсулотлари – шакар, ун, ўсимлик ёғи ва бошқалар дўконларда бўлиши шарт. Афсуски, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларидаги дўконларда кўп ҳолларда улар савдода мавжуд эмаслиги аниқланди.

Текширувлар давомида, шунингдек, маҳсулотларни оширилган нархларда сотиш (4 та вилоятда 193,3 минг сўмлик), устама нархларни асоссиз қўллаш ва белгиланган савдо чегирмалари миқдорини тақдим этмаслик (7 та вилоятда 637,4 минг сўмлик), таннархга асоссиз харажатларни киритиш (5 та вилоятда 509,8 минг сўмлик) каби нуқсонлар ҳам мавжудлиги маълум бўлди. Савдо қоидаларини бузган шахслар қилмишларига яраша жазоларини олдилар.

«Қарс икки қўлдан чиқади» деганларидек, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўп жиҳатдан уларнинг ўзларига ҳам боғлиқ. Яъни, фуқароларнинг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг ҳар бир моддасини аниқ билишлари, ёдда тутишлари савдо соҳасидаги камчиликлар сонини камайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилишини унутмайлик.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги матбуот хизмати.

Эркинлаштириш — ҳаётий зарурат

ИБРАТ — ЁНГИНАНГИЗДА

«Қашқадарё» вилоят газетасининг 4 март сонида ушбу вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг чорвачилик бўйича ўринбосари Н. Элмуродовнинг «Чорвачилик: муаммолар ечимини топмоқда» сарлавҳали мақоласини ўқиб қолдим. Беихтиёр савол туғилди: муаммолар қай тарзда ечимини топаяпти? Шунда «Бугунги кунда вилоятда ишлаб чиқарилган гўштнинг 89,1 фоизи, сутнинг 90,1 фоизи, тухумнинг 64,3 фоизи деҳқон хўжаликлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу хўжаликларда вилоятлардаги мавжуд қорамолларнинг 83,2 фоизи, қўй ва эчкиларнинг 70,1 фоизи, паррандаларнинг 62 фоизи парвариш қилинаяпти» деган сатрлар эътиборимни тортди. Энди айтинг, бу сатрларни ўқиган кишининг хаёлига «А-ҳа, муаммолар кимларнинг ҳисобига ҳал этилаётган экан», деган фикр келмайдими?

Хўш, вилоятда зотли молларни бус-бутун сақлаб қолган, сақлаб қолгангина эмас, уларнинг туёқ сонини анчагина кўпайтирган , чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда яхши натижаларга эришган ва эришаётган хўжаликлар йўқми? Бор. Масалан, Касби туманидаги Шароф Рашидов номли қишлоқ хўжалик кооператив (ширкат) хўжалигини олайлик. У ҳар соҳада намуна. Жумладан, бу ерда ўтган йили чорва ходимларига 8 миллион сўм дивиденд берилди. Сабаби қорамол гўшти сотишдан 1 миллион 169 минг сўм, сут етиштиришдан эса 1 миллион 641 минг сўм соф фойда олинган.

Шу билан бирга, хўжаликда айрим тармоқларда қолоқликка йўл қўйилганини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Хусусан, чўчқачиликдан 72 минг сўм, қўйчиликдан 177 минг сўм, паррандачиликдан 72 минг сўм зарар кўрилди. Натижада умуман чорвачиликка 42 миллион сўм харажат қилиниб, 44 миллион сўм даромад олинди. Нега? Раис ва бош ҳисобчининг гапларига қараганда, чорвачиликка «схема» бўйича мутлақо пул ажратилмас эмиш. Фақат хўжаликнинг ички имкониятлари ҳисобига маблағ топилаётган экан.

— Маҳсулотнинг анча қисми давлат буюртмаси бўйича топширилади, — деди хўжалик раиси Фурқат Шарипов. — Аммо вақтида ҳисобимизга пул тушмайди. Мажбурий тўловлар инкассага қўйиб қўйилади-ю, пул тушиши билан олиб кетилади. Оқибатда чорва учун зарур озуқани ўз вақтида, етарли миқдорда олишнинг имконияти бўлмаяпти. Бунинг устига, омихта емнинг нархи қиммат. Ваҳоланки, унинг таркибида зарур моддалар ҳар доим ҳам бўлавермайди.

Шуларни ҳисобга олиб, раҳбарият сутчилик фермасини «Ризқ» хўжалигига айлантириб, банкда алоҳида ҳисоб рақамини очибди. Энди харажат ҳам, даромад ҳам кўриниб туради. Сутнинг пули ўғитга, гўштники эҳтиёт қисмга «ем» қилинмайди. Чорвадорлар топган маблағини ўзлари ишлатадилар. Керак бўлса, ем, дори-дармон, техника воситалари сотиб оладилар. Ойлик маошлари оширилиб, мукофот берилади. Хуллас, бир қадар эркинлик бор. Фақат бунинг учун банкка хўжалик раиси қаерга пул ўтказиш ҳақида розилик хати бериши лозим. Акс ҳолда, сутчилик хўжалиги бошлиғининг имзоси ўтмайди. Айтиш лозимки, ҳали бу борада талай муаммолар бор. Шунинг учун Касби тумани ҳокимлиги «Ризқ» сутчилик хўжалигининг банк, солиқ ва бошқа идоралар билан муаммоларини ҳал этиб бермоқда.

«Ризқ» сутчилик хўжалигида шу йилнинг феврал ойида 62 тоннаю 500 килограмм сут соғиб олинди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 300 килограмм кўп. Бултур 322 бош сигирдан 755,4 тонна сут олинган, 16 тонна сутдан олинган 522 килограмм сариёғнинг ҳар килограмми 1300 сўмдан сотилган эди. Сутнинг аксарият қисми эса Тошкент шаҳридаги «Сундуз» ўзбек-турк қўшма корхонасининг тумандаги филиалига, ҳар килограмми 50 сўмдан топширилган.

— Ўзлари келиб, сутни олиб кетишади. Пулини вақтида ўтказиб беришади, — дейишди улар.

— Сутни шу ерда қайта ишласаларингиз бўлмайдими?

— Бўлади. Бунга пул керак. Балки энди иложи бўп қолар...

Англадимки, «Ризқ» сутчилик хўжалиги бошлиғи Насрулла Худойбердиев — қўлидан анча-мунча иш келадиган йигит. Фақат уни қўллаб-қувватлаш, сутчилик хўжалигига росмана мустақиллик бериш лозим. Шунда сутни қайта ишлаш цехи ҳам қурилади, хўжалик ҳам обод бўлади. Ҳозир эса хўжалик ичидаги «хўжалик»нинг имконияти чекланган.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ўтган йили ҳар бош сигирдан ўртача 2842 килограмм сут, 325 бош сигирдан 309 та бузоқ олинган эди. Агар хўжаликка тўла эркинлик берилса, маҳсулдорлик янада ортиши шубҳасиз. Чунки моллар наслини ахшилаш, кўпроқ маҳсулот етиштириш учун ҳамма имконият ишга солинади. Маблағ ўз ўрнида харажат қилинади. Фақат даромадни кўзлаб иш тутилади. Ўзимники, деган туйғу шу тарика шаклланади.

Сутчилик хўжалигида ишлаётган 40 нафар чорвадорда ҳозир айни шу кайфият бор. Хусусан, 3 йилдан бери чўпонлик қилаётган Тўра Чўлиев, унинг ҳамкасблари Холмўмин Абдиев, Музаффар Ёрқуловлар буни тушуниб етишган. Улар хўжаликдаги шароитдан рози. Ахир, қайси фермада ишдан кейин душ ёки саунага тушиш мумкин? Бу ерда шундай шароит бор. Эрталабки нонушта, тушки, кечки овқат бепул. Фақат ишлаш керак. Ишлаганда ҳам, ташаббус кўрсатиб, изланиб... Шунда ўзининг ҳам, бошқаларнинг ҳам пичоғи мой устида бўлади.

Ҳали кўп иш қилиш мумкин. Чунки фойдаланилмаётган имкониятлар жуда кўп. Шароф Рашидов номли қишлоқ хўжалик кооператив (ширкат) хўжалигининг ўзоқ йиллик бош ҳисобчиси Эргаш Муҳаммадиев, унинг шогирди — асли касби ҳисобчи бўлган, айни пайтда «Ризқ» сутчилик хўжалиги бошлиғи Насрулла Худойбердиевда бунинг ҳисоб-китоблари бор. Режалари ҳам талайгина. Агар улар амалга ошса, Шароф Рашидов номли хўжаликнинг довруғи янада ошишига, энг муҳими, ширкат аъзоларининг турмуши тағин-да яхшиланишига ишонамиз.

Бундай хўжаликлар вилоятда йўқ эмас. Бор. Агарда улар ўнлаб, юзлаб бўлганда эди, ютуқлар салмоғи янада ошарди. Қашқадарёда озмунча имкониятлар борми? Начора, жаноб Н. Эшмуродовнинг мақоласида айтилганидек, гўшт,сут асосан деҳқон хўжаликларида етиштирилаяпти. Фермерларга, аниқроғи, ўн тўрт нафар фермерга эндигина тажриба тарикасида эркинлик берилмоқда, банкда уларнинг алоҳида ҳисоби очилмоқда. Қани, кўрамиз, бу ҳам вақти келиб ўз самарасини берар балки? Фақат бу иш расмиятчилик, кампаниявозликдан иборат бўлиб қолмаса...

Ҳозирча «Бор бўлсин, деҳқон хўжаликлари!» дейишдан ўзга иложимиз йўқ. Деҳқон хўжаликларига эътибор қандай, уларнинг қанчаси юридик мақомга эга? Бу энди бошқа мавзу.

Нарзулла РАВШАНОВ.
«Халқ сўзи» мухбири.

ТАДБИРКОР ТАДБИРЛИ БЎЛСА...

Искандар Элмуродовни Термиз шаҳри аҳолиси сергайрат тадбиркорлардан бири сифатида яхши билишади. У ташкил этган «Семурғ-Шерзод» ишлаб чиқариш тижорат фирмаси айни кунда шаҳардаги сертармоқ, шу билан бирга аҳолига намунали хизмат кўрсатаётган жамоалардан бирига айланди. Муҳими, фирма шаҳарликлар ишончини қозонган.

Айни пайтда бу ерда 200 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Фирма томонидан қурилган машиний хизмат кўрсатиш уйи келиб-кетувчи мижозлар билан ҳар куни гавжум.

Тадбиркор эришилган натижаларни чегара деб билмайди. Фирмага қарашли 25 гектар ер бор. Бу ерда 200 бош қорамол, 200 бош чўчқа боқилмоқда.

СУРАТЛАРДА: фирмага қарашли машиний хизмат кўрсатиш уйининг кўриниши; фирма бошлиғи Искандар Элмуродов.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

«ЎЗБЕКОЙИМ» ЭШИТАДИ...

Фарғона вилоят ҳокимлигининг Соғлом авлод йили муносабати билан белгилаган тадбирлар дастуридаги «Соғлом аёл — соғлом авлод» лойиҳасини амалга ошириш кенг кўламда бошлаб юборилди.

Яқинда шу тадбир доирасида фаолиятини бошлаган «Ўзбекойим» ишонч телефони тақдимоти бўлиб ўтди. Тақдимотда ишонч телефони фақат алоқа лойиҳасигина бўлиб қолмай, кенг қамровли тадбирлар кўламини ҳам ўз ичига олганлиги таъкидлаб ўтилди. Лойиҳага кўра бу мулоқот воситаси орқали аёллар ва ўсмирларни ижтимоий-ҳуқуқий муҳофазалаш, руҳий қўллаб-қувватлаш билан шуғулланувчи мутахассислар — ҳуқуқшунос, психолог, гинекологлар мунтазам маслаҳат беришади.

Ўз мухбиримиз.

ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

СЎНГГИ СЎЗНИ СУД АЙТАДИ

— Ўтган йили асосий иш жойимдан ташқари бошқа ташкилотда ҳам шартнома асосида ишлагандим. Бу муддат 9 ойни ташкил қилибди. Ўша вақтда даромадим тўғрисида солиқ идорасига декларация тақдим этмагандим. Солиқ ходимлари жаримага тортишмоқчи, шу тўғрими?

А. Ҳайдаров, Сирғали тумани.

— Кўпчилик кишилар солиқ олинадиган фойдани (даромадни) ёки бошқа объектларни яшириш (камайтириб кўрсатиш)га ҳаракат қиладилар. Яна бир томони солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашади. Бунга йўл қўйган кишиларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдорларга эса беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солинади.

Сўраганингиздек, даромадлар тўғрисидаги декларациядан бўйин товлаш, уни ўз вақтида тақдим этмаслик ёки нотўғри кўрсатиш ҳам энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача жарима солишга олиб келади.

* * *

— Яқинда бир танишимни учратиб қолдим. Уни ишлаб турган жойидан мажбурий бўшатишибди. Суд танишимни яна ўз иш жойига тиклаш тўғрисида қарор чиқарибди. Лекин ўша ташкилот раҳбари суд қарорига эътибор бермаётган эмиш. Энди у нима қилиши керак?

Б.Нормуродов, Жомбой тумани.

— Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 182-моддасида айтилганидек, мансабдор томонидан суд чиқарган хусусий ажримни (қарорни) кўриб чиқмаслик, унда кўрсатилган қонун бузилишини бартараф этиш чораларини кўрмаслик ва худди шунга ўхшаш хусусий ажрим (қарор)га ўз вақтида жавоб бермаслик энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади.

* * *

— Қўшимча ер участкам бор. Уни жиянимга вақтинчалик фойдаланишга бермоқчиман. Бу ҳақдаги битимни давлат рўйхатидан ўтказиш керакми?

С.Кўчқоров, Андижон шаҳри.

— Ер участкалари ва бошқа кўчмас мол-мулк билан боғлиқ битимлар (бошқа шахсга бериш, ипотека, узоқ муддатли ижара, меросини қабул қилиб олиш ва бошқалар) давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

Кўчмас мол-мулк хусусида тузилган битимларни рўйхатдан ўтказиш ва тегишли реестрларни юритиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Қонун ҳужжатларида муайян турдаги кўчар мол-мулк хусусида тузиладиган битимларни ҳам давлат рўйхатидан ўтказиш белгиланиши мумкин. Бу эса нотариал тўғрисидаги қонуннинг 111-моддасида белгиланган.

* * *

— Дейлик бир киши жиноятни келтириб чиқарди. Лекин тергов давомида оғир дардга чалиниб қолди. Ана шу туфайли у жавобгарликдан озод қилиниши мумкинми?

Н.Эргашев, Юнусобод тумани.

— Жиноят кодексининг 67-моддасига биноан жиноят қилган киши ҳукм чиққунча ўз ҳаракатларини англай ёки бошқара олмайдиган даражада руҳий касалликка чалиниб қолган бўлса, жавобгарликдан озод қилинади.

Бундай кишига суд томонидан тиббий йўсиндаги мажбурий чоралар қўлланиши мумкин. Агарда у ЖКнинг 64-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтмасдан тузалса, жавобгарликка тортилади. Бу ҳолда жавобгарликка тортиш муддатлари суд томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилган кундан ҳисобланади.

Эркин МАВЛОНОВ тайёрлади.

ФЕРМЕРЛАР УЧУН МТП

«Найман» жамоа хўжалиги марказий устахонаси негизида ташкил топган машина-трактор парки туманнинг шу йўналишда фаолият кўрсатаётган давлат акциядорлик жамиятига рақобатчилик қиладиган бўлди. У Поп туманининг «Навбаҳор», «Қўштепа», «Наврўз», «Найман», «Поп» жамоа ва ширкат хўжаликларидаги 149 нафар фермерга хизмат кўрсатади. Мукобил МТПнинг очилиши унча қийин кечмади. Унинг техника паркига қиска фурсатда 7 та ҳайдов, 18 та чопиқ трактори, 9 та ғалла ўриш комбайни жамланди. Хизмат кўрсатувчи гуруҳ ҳам иш бошлади.

Янги МТП хизматидан фойдаланадиган фермер хўжаликлари тасарруфида 2923 гектар пахта ва 1069 гектар ғалла майдонлари бор. Мулкчиликнинг янгича шаклида иш олиб бораётган қишлоқ тадбиркорларининг энди бир нарсадан кўнгиллари тўқ. Улар ўз экинзорларига ишлов бериш учун техника воситаси сўраб туман МТПсида навбатда турмайдиган бўлишди. Бугун-эрта туманга келтириладиган янги чопиқ тракторларининг 10 таси мукобил МТП ихтиёрига берилгач, имкониятлар янада кенгаяди.

Кўшхабар

ХУСУСИЙ ШИФОХОНА

Тиббиётдаги ислоҳотлар одими Наманган туманидаги Ғалча қишлоғида ҳам сезилиб қолди. Олий тоифадаги врач Ғанижон Дадахоновнинг ташаббуси ва шахсий маблағи билан бу ерда ташкил топган дастлабки нодавлат тиббиёт тармоғи аҳолига хизмат кўрсата бошлади. Уни тиклашга Дадахоновнинг ёр-биродарлари, қариндош-уруғлари яқиндан кўмак беришди. Бугун қишлоқ шифокорининг беш ўринли муолажагоҳ, физиотерапия, жарроҳлик, акушерлик хоналаридан иборат мўъжазгина касалхонасида унинг оиласидаги саккиз нафар тиббиёт ходими меҳнат қилмоқда.

Қишлоқдаги хусусий шифохона ўз фаолиятининг дастлабки кунларидаёқ аҳолига маъқул тушиб қолди. Чунки бу ерда кўрсатилаётган муолажалар ва шароит катта касалхоналардагидан кам эмас. Ҳамқишлоқлар арзимаган хасталиклар билан ҳам туман марказига бориш ташвишидан халос этгани учун Дадахоновлар оиласидан бениҳоя хурсанд.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

НИКОҲДАН ЎТАСИЗМИ, МАРҲАМАТ!

Жиззах шаҳрида бўлажак келин-куёвлар учун ажойиб қулайликлар яратилди. Шаҳардаги Истиқлол боғи мажмуида никоҳ уйининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Никоҳ уйига замонавий ҳамда миллий безак берилгани диққатга сазовордир. Бу ердаги кенг ва юксак дид билан жиҳозланган хоналарда катта-кичик тўй томошаларни ўтказиш учун барча қулайликлар яратилган.

Никоҳ уйининг очилиш маросимида қатнашганлар шу куни турли миллатга мансуб 6 жуфт келин-куёвларни табриклаш шарафига муяссар бўлдилар.

Б. САТТОРОВ.

Жиззах янгиликлари

ТУМАНДА МОНИТОРИНГ МАРКАЗИ

Жиззах вилояти Пахтакор тумани халқ таълими бўлими қошида мониторинг маркази ташкил этилди.

– Мазкур марказнинг ишга туширилиши таълим тизимидаги ислоҳотлар самараси бўлиб, соҳа жонкуярлари фаолиятидаги ибратли тажрибани оммалаштиришга хизмат қиладиган маскан ҳамдир, – дейди туман халқ таълими бўлимининг бошлиғи Б.Соатов. – Марказда ҳар бир ўқувчининг фан бўйича кўрсаткичлар жадвали, дарс жараёнларининг олиб борилиши, жорий этилаётган янгиликлар, ўқитувчиларнинг умумий малакаси ҳақидаги маълумотлар жамланади.

Йўлчи ЖЎРА,
ЎзА мухбири.

Мавзуга қайтиб

ҲОКИМ ЛАВОЗИМИДАН ЧЕТЛАТИЛДИ. НЕГА?

«Чимбойликлар бир вақтлар пахта, шоли етиштиришда ўзига хос тажриба мактаби яратишган эди. Қорақалпоғистон шароити учун энг мақбул ғўза навлари ҳам дастлаб Чимбойдан «учирма» қилинган, айрим хўжаликларда йилига 20-25 минг тоннагача шоли етиштирилган... Тассуфки, яқин ўн йилдан буён Чимбойнинг аввалги шуҳрати сўниб бормоқда».

Ёдингизда бўлса, муҳтарам ўқувчи, газетанинг шу йил 26 январ сонида «Яхшидир аччиқ ҳақиқат» рукни остида «Раҳбар калаванинг учини йўқотса...» сарлавҳали мақола юқорида келтирилган жумлалар билан бошланганди. Унга шундай кичик сарлавҳа ҳам берилганди: «Чимбой туманида ислоҳотлар оқсаётгани, кадрлар танлашда жиддий нуқсонларга йўл қўйилаётгани хусусида».

Мақолада туман хўжаликларида деҳқончилик ва чорвачиликда вужудга келган мураккаб аҳвол таҳлил қилиниб, унинг сабаблари очиб берилганди. Буни қаранг, кейинги тўрт йил мобайнида туманда пахта сотиш режаси 43-62 фоиз атрофида бажарилган. Ҳосилдорлик ўтган йили, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, саккиз центнерни, кузги буғдойдан олинган ҳосил эса ўртача 13 центнерни ташкил этган. Раҳбарлар тез-тез алмаштирилаверган, илло ишда ўзгариш юз бермаган. Аҳвол шу даражага етган экан, туман ва хўжалик раҳбарлари нима билан шуғулланганлар, деган ҳақли савол туғилади. Бу саволларга юқоридаги мақола юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасидан таҳририятга келган мактубда жавоб берилган.

Яширмайман, расмий жавобни ўқияпман-ку бир ишониб, бир ишонмайман. Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси М. Араимбетов хабар қилишича, «Чимбой» жамоа хўжалигида қорамоллар бош сони назорат тартибида текширилганда жуда катта миқдорда камомад аниқланган.

Мазкур хўжаликда кейинги олти йил мобайнида раҳбарлик қилган Турсунбой Таумуротов ўзининг хизмат вазифасини суиистеъмол қилиб, хўжалик бош зоотехниги П. Ережепов, бош ҳисобчи А. Қиличева ҳамда чорва бригадирлари Қ. Есчанов, Т. Мнажов, К.Қурбониёзов, А. Носиров, Н.Мамбеткаримовлар билан жиноий тил бириктириб, қорамолларни ҳамда уларга берилиши керак бўлган дағал ем-хашак, кунжара ва шелухаларни ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилганлар. Оқибатда давлатга жами 33 миллион 461 минг 380 сўмлик 1604 бош қорамол ҳамда 21 миллион 677 минг сўмликдан зиёд кунжара, шелуха ва омухта ем, жами 55 миллиондан кўпроқ моддий зарар келтирилган.

Қизиқ, ўнта эмас, юзта эмас, балки 1604 бош қорамол гумдон қилинган. Туманнинг катта-кичик раҳбарлари хўжаликка келиб-кетаверган, лекин биронтасининг кўнглини, ҳой, нега бу чорванинг чўғи қамайиб кетяпти, деган савол безовта қилмаган.

Яна бир гап бор, уни айтмаса бўлмас. Ўзлаштириш деймизми, ўғирлик деймизми — бунинг аҳамияти йўқ — ўша ердаги фуқаролар, хўжалик ходимлари наҳотки ҳеч бир инсоф-диёнатга сиғмайдиган бу катта ҳажмдаги талон-тарожлардан мутлақо бехабар қолган бўлсалар? Одамнинг ишонгиси келмайди. Балки бу ҳақда тегишли идораларга хатарзномалар ҳам тушгандир. Иш шу даражага боргунча, яъни 55 миллион сўмдан кўпроқ моддий зарар етказилганигача туман ва республиканинг тегишли назорат органлари қаёққа қараган? Ахир шу муддат ичида — 1992-1998 йилар мобайнида бирор марта бўлса ҳам тафтиш ўтказилгандир, нега олдинроқ бу катта ҳажмдаги камомад аниқланмади? Тафтишни кимлар ўтказганди — бугунги кунда улар ҳам жавоб бермоқлари даркор — шундай йўл тутилса, адолатдан бўлади.

Энди бу ёғини эшитинг. Бор-йўғи бир йилга етар-етмас шу хўжаликка раҳбарлик қилган А.Турамбетов ҳам Т.Таумуротов йўлидан борган. 1998 йилнинг февралидан то 1999 йилнинг январигача юқорида номлари кўрсатилган мутахассислар билан жиноий тил бириктириб, хўжалик қорамолларини ҳамда уларга берилиши керак бўлган ем-хашак, кунжара ва шелухани ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилиб, давлатга жами 68 миллион 423 минг сўмдан зиёд зарар келтирган.

Агар расмий қоғозда ёзилган сўзларни кўриб турмаганимда эди, кишини ваҳимага солувчи бу рақамларга ишониш қийин эди. Ҳар қандай одам ҳам беихтиёр ўйланиб қолади: ахир яқиндагина худди шу хўжаликда катта ҳажмдаги талон-тарож рўй берган, бу тегишли раҳбарларга сабоқ бўлиб, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари кўзларини каттароқ очишлари лозим эди. Нега улар яна ғафлатда қолишган, қўйлар орасига бўрилар оралаб қолганлигидан воқиф бўлишмаган? Нега, нега деган саволларнинг охири кўринмайди.

Хўш, тумандаги бошқа хўжаликларда, корхоналарда аҳвол қалай, деб сўрарсиз. Минг афсуски, худди эгаси йўқдек, бошқа хўжаликларда ҳам куппа-кундуз куни талон-тарож авж олдирилган. Буни қаранг, туманда «Қизилўзак» ширкат хўжалиги бор. Ўтган 1999 йилда хўжаликнинг 2254 гектар экин майдонига самолёт билан шоли экилган. Дили нопок раҳбарлар кейинчалик бухгалтериядаги ҳужжатларни қалбакилаштиришган, яъни самолёт билан 1012 гектар майдонга уруғ сепилди, қолган 1212 гектарга эса сеялка билан ва қўлда экилди, деб кўрсатилган.

Бундан кўзланган мақсад нима эди? Гап шундаки, самолёт билан сепилганда гектарига 200 килограммдан уруғлик сарфланарди. Сеялка билан ва қўлда экилганда эса, 240 килограмм уруғлик сарфланади. 1212 гектар ерга шу усулда шоли экилди қилиб кўрсатилганда ўртадаги фарқ 40 минг 480 килограммни ташкил этади. Ана шу умумий қиймати бир миллион 619 минг 200 сўмлик шоли уруғлиги талон-тарож қилинган.

Мана бунисига нима дейсиз. Мазкур хўжаликка «Чимбойдон» акциядорлик жамиятидан 238 минг 750 килограмм давлат стандартига жавоб берадиган 9 миллион 550 минг сўмлик шоли уруғлиги берилган. Эмишки, экиш олдидан ана шу давлат стандартига тўла равишда жавоб берувчи уруғликни хўжаликдаги «шоввоз»лар яна қайта тозалашганмиш. Натижада 32 минг 510 килограмм, 1 миллион 230 минг 102 сўмлик уруғлик чиқиндига чиққанмиш. Аслида эса бу уруғлик шоли ҳам гумдон қилинганди.

Тумандаги қатор корхона ва хўжаликларда ҳам текшириш ўтказилганда юқоридаги каби жиддий қонунбузарликлар аниқланган. Ҳозирги пайтда барча жиноий ишлар бўйича тегишли ташкилотлар иш олиб бормоқдалар.

Келтирилган мисоллардан мазкур туманнинг, ундаги хўжаликлар ва корхоналарнинг эгаси борми ё йўқми, деган савол табиий равишда келиб чиқади. Ширкат хўжаликлари номигагина тузилган. Аслида унинг моҳияти ишчи-хизматчиларга яхши тушунтирилмаган. Ширкатдаги ҳар бир киши ўзини шу ердаги барча бойликларга бошқалар қатори хўжайин эканлигини билмайди, ҳис этмайди. Акс ҳолда бу каби кўнгилсиз воқеалар юз бермасди. Атрофда шунча торт-торт бўлаётганда бирор инсон: «Ҳой, оғайнилар, нима қиляпсизлар, ахир бунда бизнинг ҳам насибамиз борку», дея олмаган. Бундай мард топилмаган. Чунки уларда ҳали шу ер, шу хўжаликдаги бойликларга хўжайинлик ҳисси шаклланмаган.

Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти кенгаши сессиясида Президентимиз куйиниб қуйидаги гапларни айтганларида минг бор ҳақ эдилар: «Деҳқон ҳақиқий маънода ер эгасига, мулк эгасига, ўзи яратаётган бойликнинг хўжайинига айланмас экан, унинг ишида самара бўлмайди, деб ҳаммамиз қайта-қайта гапирамиз, аммо қачон бу борада амалий ишга ўтамиз?»

Бир ўғил отасидан сўрабди:

— Мен қачон ақлли ва мард бўлишим мумкин?

— Нафсингга ҳоким бўлганингда! — деган жавоб олибди у.

Машойихларнинг айтишларича, барча ёмонликлар бир сандиққа яширилган, унинг калити нопок бойликка бўлган хирсдадир.

Ўша, газетада чоп этилган мақола «Чимбойликлар, Президентимиз иборраси билан айтганда, «Халқнинг назаридан қолмайдиган» фидоий ва ташкилотчи раҳбарга ёлчирмикан?» , деган сўзлар билан якунланганди. Юқорида келтирилган ва бошқа камчиликлар учун туман ҳокими А.Қурбонбоев лавозимидан четлатилди. Туманга янги раҳбар келди. У аччиқ сабоқлардан тегишли хулосалар чиқариб олади, деб ният қиламиз.

Исмоил СУЛАЙМОНОВ.

РАХТА BANK

Банкларо "Ахбор-Рейтинг" агентлигининг мустақил рейтинг тадқиқотлари натижаларига кўра 2000 йил 1 январ ҳолатига "Пахта-банк" Ўзбекистон Республикаси банклари мутлоқ рейтинг якунида молиявий фаолиятининг кўлами бўйича иккинчи, филиалларининг сони бўйича эса биринчи ўринни эгаллади.

Бугунги кунда республика биржаси листингига киритилган камсонли акциядорлик жамиятларидан бири — "Пахта-банк".

Базавий тармоқлар корхоналарига ўз маблағлари билан ёрдам бериш — "Пахта-банк" олиб бораётган сиёсатнинг ажралмас қисми.

Ҳар қандай давлатнинг иқтисодий қудратини намоён этувчи восита давлат ва тижорат банкларидир. Ўзбекистонда ушбу тизим республика мустақиллик мақомига эга бўлганидан сўнг барқарор ривожланиш босқичига кирди. Ихтисослаштирилган акциядорлик-тижорат "Пахта-банк" дастлабки йилданоқ ана шу тизимда ўзининг аниқ ва пухта ўйланган стратегик ва тактик фаолияти ҳамда иқтисодиётнинг турли тармоқларига тобора ўсиб бораётган таъсири билан алоҳида кўзга ташлана бошлади. Ўтган йиллар давомида банклар ўртасида етакчилик ўрнини сақлабгина қолмай, уни янада мустаҳкамлади.

ҲАР ДОИМ ВА ҲАММА УЧУН ОЧИҚ

"Пахта-банк" фаолиятининг мазмун-моҳияти: "Мижоз, шерик ва акциядорнинг манфаати — ҳамма нарсадан устун". Ҳатто, юқори даражада шахсий даромад олиш ҳам бу ерда "Пахта-банк" билан биргаликда ишлашга қарор қилганларни кредитлаш ва инвестициялашни янада яхшилаш омили ҳисобланади.

Мижозларга барча замонавий банк хизматини кўрсатиш билан бир вақтда уларнинг турларини янада кўпайтириш устида тинимсиз иш олиб борилади. Масалан, акциялар, омонат ва депозит сертификатлар таклиф қилинади. Булар эса уларнинг эгаларига барқарор юксак даромад келтиради. Ўтказилаётган факторинг операциялари тўлов муддатини ўтказиб юборишдан кўриладиган зарарни энг кам миқдорга тушириш имконини беради. Халқаро ҳисоб-китоблар документар аккредитив, инкассо ва банк ўтказмалари шаклида амалга оширилади. Банк мижозлари бўлган юридик шахслар телекоммуникация дастури ва модемни ўз ичига оладиган ҳамда ўз офисидан чиқмай туриб, банк билан бир зумда алоқа боғлаш имконини берадиган электрон тизимдан фойдаланишлари мумкин. Кўп табақали назорат ахборотларнинг тўғрилигини таъминлайди ва хато қилиш эҳтимолини бартараф этади.

"Пахта-банк" муддати ва фоиз ставкалари хилма-хил бўлган омонат турларини таклиф этади. Масалан, йиллиги 10 фоиз бўлган "Йўқлаб олгунча" омонат туридан тортиб, йиллиги 25,30 ва 36 фоиз бўлган 3,6 ва 12 ойли муддатли омонат туригача жорий этилган. Хоҳлаган мижозлар 1-3 йил (40 фоиз) ва 3-5 йил (45 фоиз) муддатга омонатларини қўйишлари мумкин.

Банкнинг стратегик мақсади Ўзбекистонда, хусусан деҳқончилик-саноат мажмуидаги иқтисодий ислоҳотлар учун энг қулай шарт-шароитларни яратиб беришдан иборатдир. Ҳамма даражадаги банк менежментини такомиллаштириш, юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини жалб этиш, тўлаш ва жойлаштириш, қайтариш, тўлаш шарти билан фьючерс битимларини қўллаш орқали турли ссудалар бериш, иқтисодиётнинг устувор тармоқларига, корхона ва алоҳида тадбиркорларга факторинг ва лизинг хизмати кўрсатиш, автоматлаштирилган банк тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ барча устувор вазифалар ана шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда белгиланган. Булар орқали эса:

— маблағларни аниқ иқтисодиёт секторига йўналтириш орқали кредит сиёсатини такомиллаштиришга;

— акциядорларни юксак даромад билан таъминлашга;

— марказлаштирилган маблағлардан аста-секин ўз маблағларига ўтиш орқали ресурслар базасини диверсификациялашга;

— фоиз ставкаларини барқарорлаштириш, кредитларнинг ўсиш суръатини ишлаб чиқариш ҳамда маҳсулот ҳажмини ошириш суръатларига йўналтириш, банк активларини капиталнинг ўсиши билан мутаносиб ҳолда кўпайтиришдан иборат антиинфляция йўлидан боришга;

—акционерлар ролини оширишга эришилади.

Ана шу мақсадларга эришиш ҳамда бу ерда кредиторлар, депозитарийлар ва акциядорлар учун муддати ўтган қарзларнинг йўқлиги банкка энг юксак даражадаги ошкораликни таъминлаш, нафақат деҳқончилик-саноат мажмуидаги, балки кичик ва ўрта бизнес субъектлари билан бирга аниқ иқтисодиётнинг исталган секторидаги мижозлар учун ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар яратиш имконини беради. Ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир фуқаро олис ёки яқин хорижлик ишбилармон кишилар билан тенг равишда ўз маблағларини самарали жойлаштириш учун "Пахта-банк"да исталганча имконият топа оладилар.

ҚИММАТБАҲО ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИДА

180 минг мижозга хизмат кўрсатаётган ва 35 минг 213 нафар акциядорга эга бўлган "Пахта-банк" бугунги кунда уларнинг деярли ҳоҳлаган истакларини инобатга олиш имкониятига эга. Шунинг учун ҳам банк қимматбаҳо қоғозлар бозорида фаол оператор бўлиб қолди. Бу ердаги барча операциялар банкнинг юқори даромадли ва ликвидли портфелини шакллантиришга йўналтирилган. Иккиламчи бозордаги муваффақиятли операциялар ҳам шу мақсадларга бўйсундирилган.Банк инфратузилмани ривожлантира бориб, республика фонд биржасида ўз акциялари маркет-майкерлитини биринчилар қатори амалга оширмоқда.У брокерлик идораси ва "Инвестициявий воситачи" лицензиясига эга бўлган ҳолда корпоратив акциялар билан операциялар ўтказишни анча фаоллаштирди ва ўтган йили харид ҳажми бўйича брокерлик идоралари ўртасида етакчилардан бирига айланди.Энди эса ўз акцияларини Америка депозитарийлари тилхатлари орқали жаҳон фонд бозорига чиқариш устида иш олиб бора бошлади."Пахта-банк" ва Американинг "Sguire, Sanders Si Dernpsey" компанияси ўртасида ҳамкорлик қилиш мўлжали протоколи доирасида салоҳиятли хорижий шериклар билан учрашув бўлиб ўтди ва унда Америка депозитарийлари тилхатини Америка ва халқаро капитал бозорида жойлаштириш масалалари муҳокама этилди ва батафсил ишлаб чиқилди.

Банк қимматбақо қоғозлар бозоридаги амалий операцияларнинг аксарият қисмини салмоқли даромадлар билан ўтказмоқда ва бу билан иқтисодиётнинг энг устивор йўналишларига, алоҳида корхоналарга, яъни пахтани қайта ишлаш тармоғи, қишлоқ хўжалик машинасозлити ва енгил саноатга ўз маблағларини тобора кўпроқ инвестициялаш имкониятига эга бўлмоқда. Бунинг учун корхоналарнинг йирик акциялари пакети харид қилинади, банк менежмент ўтказишга қўшилади, консалтинг ва факторинг хизматлари кўрсатади, ўзаро қарзларни камайтириш схемасини ишлаб чиқади ва хўжалик фаолиятларини тубдан яхшилаш, уларнинг ишлаб чиқариш, хўжалик фаолиятларини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг энг самарали йўлларини қидиради. Чунки банк ўз мижозлари, акциядорлари, шериклари ва инвесторларининг ишлари тобора яхшиланиб боришидан манфаатдордир.

ЎЗГАЛАРГА ИБРАТ БЎЛАДИГАН НАМУНА

Республикадаги энг ишончли банк сифатидаги обрў ва нуфузини сақлаб келаётган "Пахта-банк" халқ хўжалигининг муҳим объектлари қурилишини бюджет орқали молиялаш бўйича йирик инвестиция дастурини амалга оширмоқда.Шу билан бирга бу ишга ўз маблағлари ҳамда жалб этилган маблағларни солмоқда.Масалан, 1999 йилда банк капитал қўйилмаларининг умумий ҳажми 9 млрд.сўмни ташкил этди.Шундан 6,7 млрд.сўми бюджет маблағлари, 256 млн.сўми тижорат кредитлари, 461 млн.сўми марказлаштирилган кредитлар, 1,12 млрд.сўми хўжаликларнинг ўз маблағлари ҳисобидан бўлди.Демак, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Оролбўйи ва Фарғона вилоятидаги 900 дан зиёд объектлар бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилди. Андижон вилоятининг Ойим қўрғонидаги ип йигирув фабрикаси, "Қува" акциядорлик жамиятининг тўқимачилик мажмуи банкнинг кредитлари ҳисобига қурилди ҳамда Жиззах пластмасса заводи ва Тошкент вилоятидаги "Ниёзбоши" хўжалигининг иссиқхонаси қайта таъмирланди.

Ижтимоий инфратузилма объектлари банкнинг диққат-эътиборида бўлиб, зарур ёрдам кўрсатилмоқда.Ўтган йили "Пахта-банк" томонидан молиялаштирилаётган объектлар бўйича 172,4 километр узунликда сув қувурлари тармоғи, 185,4 километр газ қувурлари, 7388 ўринли мактаблар, бир сменада 1270 беморни қабул қиладиган қишлоқ врачлик пунктлари фойдланишга топширилди.Янги коллеж ва лицейлар учун қурилиш ашёлари олишга 273,4 млн.сўм кредит ажратилди.Ана шу мабалағлар республиканинг олтита вилоятидаги 48 та коллеж ва лицейни қуришда ишлатилди.

Банк лизинг фаолиятини жадал ривожлантириб бормоқда. Ўтган йили лизинг асосида молиялаштириш бўйича 21 та лойиҳа кўриб чиқилди ва шулардан умумий суммаси 58,3 млн.сўм бўлган олтита лойиҳа қўллаб-қувватланди.Масалан, Янгийўл туманидаги Отажонов номли акциядорлик жамияти умумий қиймати 8 млн.сўм бўлган иккита тракторни лизинг шартномаси асосида ўз тасарруфига олди.Бу йил эса шу йўналишдаги ишлар кўлами янада кенгайтирилмоқда.

АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ «ПАХТА-БАНК»

2000 йилнинг 1 апрелидан эътиборан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкаси ўзгарганлиги сабабли «Пахта-банк» аҳолининг бўш пул маблағларини банк омонатларининг манфаатли ва қулай турларига юқори фоиз ставкаларида жалб қилишини эълон қилади.

"НАФАҚА" омонат тури — 1 йил муддатта нафақа ёшдаги мижозларга очилади, қўйиладиган омонат миқдорига мутаносиб равишда йиллик 38 дан 50 фоизга қадар даромад тўлаб борилади. Бошланғич бадал миқдори чегараланмаган. Омонатни тўлдириб, ундан қўйилган маблағ ҳамда фоизларни исталган вақда олиш мумкин.

"2000" омонат тури — жорий йил давомида 1 ой ва ундан ортиқ муддатта очилади, йиллик 25 фоиз миқдорида даромад тўланади. Омонатни тўлдириб, ундан қўйилган маблағ ҳамда фоизларни исталган вақда олиш мумкин.

"ФАРОВОНЛИК" омонат тури — 3 ва 6 ойга очилади, йиллик 36 фоиз миқдорида даромад тўланади. Бошланғич бадал миқдори — 5000 сўм.

Юқоридаги омонат турлари бўйича ҳисобланадиган фоизлар бўйича даромадларни ойма-ой олиш мумкин.

"НАВНИҲОЛ" омонат тури — 1 йил муддатта 16 дан 25 гача ёшлиларга очилади, фоизлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг молиялаштириш ставкаси ҳисобида даромадлар тўланади.Бошланғич бадал миқдори — 1000 сўм.Омонат миқдори ойма-ой оширилиб бориб 50 000 сўмга етказилган тақдирда, омонатчи фоизлар бўйича оладиган даромадлари ҳисобидан 10 фоиз миқдорида қўшимча даромад билан рағбатлантирилади.

"ОҚ ОЛТИН" омонат тури — 6 ой муддатта очилади, йиллик 30 фоиз даромад тўланади.Бошланғич бадал миқдори 2000 сўм.Ушбу омонатдаги маблағга ҳисобланадиган фоизлар бўйича даромадларни ҳар ой олдиндан олиш имкониятига эгасиз.

"ПАХТАКОР" — 3 ой муддатта очилади, йиллик 25 фоиз миқдорида даромад тўланади.Бошланғич бадал миқдори — 1000 сўм.

Муддатли омонатлар:

6 ой муддатта — йиллик 30 фоиз ; **1 йил муддатта** — йиллик 36 фоиз ;
1 йилдан 3 йилгача муддатта — йиллик 40 фоиз ҳамда **3 йилдан 5 йилгача муддатта** — 45 фоиз миқдорида даромад тўланади. Ушбу банк омонатларига чекланмаган миқдорда омонатлар қабул қилинади. Банк омонатлар бўйича маълумотларни сир сақланиш ҳамда ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишни кафолатлайди.

ОМОНАТИНГИЗНИ АСРАЙМИЗ ВА КЎПАЙТИРАМИЗ!

Бунда, аввал жалб қилинган муддатли омонатлар (депозитлар) бўйича депозит битимининг амал қиладиган бутун муддати мобайнида битимда кўзда тутилган фоиз ставкалари асосида даромадлар тўлаб борилиши кафолатланади.

Доимо ишончли ҳамда юқори манфаатли банк омонатларини Сиз "Пахта-Банк"нинг барча 184 та бўлимларида очишингиз мумкин.

Бизнинг манзилимиз: 700096, Тошкент ш., Муқимий кўчаси, 43-уй.
Маълумотлар учун телефонлар: (371) 173-25-56, 120-88-12.

«Пахта-Банк»нинг ҳудудий бошқармалари манзили	Телефон	«Пахта-Банк»нинг ҳудудий бошқармалари манзили	Телефон
Қорақалпоғистон Респ. Бошқармаси 742000, Нукус ш., А. Шамуродов, 101.	(36122) 23523 223498	Самарқанд вилоят бошқармаси 703057, Самарқанд ш., Кўк-Сарой - 4.	(3662) 310191 310359
Андижон вилоят бошқармаси 710021, Андижон ш., Бобуршоҳ ш-к.	(37422) 45496 42216	Сурхондарё вилоят бошқармаси 732000, Термиз ш., А. Навоий - 9.	(37622) 27910 27914
Бухоро вилоят бошқармаси 705014, Бухоро ш., Бобур шоҳ кўч.	(36522) 38647 38452	Сирдарё вилоят бошқармаси 707000, Гулистон ш., Н. Маҳмудов - 21.	(3672) 252661 250896
Жиззах вилоят бошқармаси 708000, Жиззах ш., Ш. Рашидов кўч - 7.	(37222) 38934 62687	Тошкент вилоят бошқармаси 700128, Тошкент ш., А. Қодирий - 9.	(371) 1440982 415602
Қашқадарё вилоят бошқармаси 730000, Қарши ш., Навоий ш-к 29.	(37522) 31598 39801	Фарғона вилоят бошқармаси 712000, Фарғона ш., А Навоий - 11.	(3732) 247904 246724
Наманган вилоят бошқармаси 716018, Наманган ш., Б. Машраб-1 а.	(36922) 40457 41573	Хоразм вилоят бошқармаси 740000, Урганч ш., Баҳодирхон - 183.	(36222) 64556 63280
Навоий вилоят бошқармаси 716018, Навоий ш., Меъморчилар - 25.	(43622) 47431 58761	Бектемир бўлими 700182, Тошкент ш., Ҳ. Байқаро - 4а.	(371) 903461 1950224

ИСТИКБОЛ СТРАТЕГИЯСИ

Қуйидагилар "Пахта-банк"нинг 2000 ва ундан кейинги йиллардаги асосий стратегик вазифалари ҳисобланади:

- *кадрлар сиёсатини кучайтириш;*
- *банк бизнесини олиб боришнинг халқаро андозалари ва принципларини жорий этиш;*
- *халқаро молия институтлари ва банклари билан ўзаро муносабатларни ривожлантириш;*
- *банкнинг ички фонд бозоридаги мавқеини мустаҳкамлаш, давлат қимматбаҳо қоғозларига қўйилмаларни кўпайтириш;*
- *туман филиаллари ва вилоят бошқармалари ўртасида тезкор алоқа каналларини ўрнатиш йўли билан маълумотларни узатишнинг корпоратив тармоғини қуриш. Тўлов тизимини вилоят бошқармалари даражасида ва улар клирингини бош банк даражасида ягона корреспондентлик тизимига ўтказиш;*
- *электрон пластик карточкалар тизимни жорий этиш, банкомат ва электрон терминаллар тармоғини кенгайтириш, кредит ва ҳисоб-китоб карточкаларига хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантириш;*
- *ўз депозит базасини кўпайтириш;*
- *лизинг хизмати ва шунингдек, иқтисодиётнинг аниқ секторини тўғридан-тўғри кредитлашни кенгайтириш;*
- *банк маркетингини мижозлар базаси маркетинги билан мувофиқ ҳолда жорий этиш ва кенг қўлланиш;*
- *кичик, ўрта бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ички қоида ва тамойилларни такомилаштириш;*
- *банк инфратузилмасини ривожлантириш;*
- *банкка халқаро рейтинг агентликларининг рейтингини бериш бўйича тадбирлар мажмуини амалга ошириш.*

ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА

Президент Ислом Каримов ўзининг "Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда" китобида иқтисодиётда структуравий ўзгаришларни амалга ошириш энг устувор йўналишлардан бири бўлиб, у корхоналарни янгилаш ва техника билан қайта қуроллаштиришга, давлатимизнинг бой табиий ва минерал-хомашё потенциалидан янада тўлароқ ва самаралироқ фойдаланишга, экспорт қилинадиган ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи қувватларни барпо этишга йўналтирилиши лозимлигини алоҳида таъкидлаган эди. Бу муҳим вазифа банк соҳасига ҳам бевосита тааллуқлидир. Шунинг учун ҳам "Пахта-банк" ўз инфратузилмасини барпо этмоқда.У янги йўналишларни ўзлаштиришга қаратилган бўлиб, жалб этилаётган маблағлар ва биринчи навбатда чет эл инвестициялари ҳажми шу асосда кўпайтирилиши лозим. Халқаро молия ташкилотлари томонидан ажратилаётган кредит ресурсларини ўзлаштириш учун банкда инвестиция лойиҳаларини эксперт қилиш, молиялаш ва мониторинг мақсадида лойиҳалар бўйича молиялаш бошқармаси ташкил этилди. Бошқарма бажариши лозим бўлган ишлар жуда кўп. Масалан, "Пахта-банк" инфратузилмасини ривожлантиришга, уни замонавий дастур ва энг янги ташкилий техника воситалари билан таъминлашга Осиё тараққиёт банки томонидан грант ажратилиши кутилмоқда.Оврупа тикланиш ва тараққиёт банки, Олмония тараққиёт банки ва бошқа бир қатор хорижий банклар билан мустаҳкам кредит алоқалари ўрнатилмоқда.Ушбу банк муассасалари "Пахта-банк"ка микрокредитлар бериш учун кўплаб маблағлар ажратмоқда.

Бу маблағларни ўзлаштиришда банк кичик, ўрта ва хусусий бизнес билан ишлаш учун кредит билан молиялаш, кредит линиялари, чет эл банкларининг маҳаллий бўлимлари билан агентлик линиялари каби молиявий воситаларни танлади. Банк бюджетдан ташқари фондлар билан ҳамкорлик қилишни давом эттиради ва янада чуқурлаштиради. Молиявий воситаларни фаол қўллаб-қувватлайди.

"Пахта-банк" чет эл капиталини жалб этиб ва жаҳон иқтисодиётига уйғунлаша бориб, давлатнинг устав капиталидаги билвосита улушини камайтиришдан ташқари ўз фаолиятини ташкилий ва бошқарув ишларига ноу-ҳауни жорий этиш йўли билан яхшилаб боришга ҳаракат қилмоқда.

1995 йилдан бошлаб, банк фаолияти халқаро мустақил аудиторлик ташкилотлари томонидан диагностик текширувдан ўтказилмоқда. Ана шундай дастлабки текширувни "Артур Андерсен" компанияси ўтказди.Шундан сўнг аудиторлик текширувлари "Делойт энд Туш" компанияси томонидан халқаро андозадаги молиявий ҳисобот ва бухгалтерлик ҳисоб-китоб бўйича амалга оширилди.Ундан кейинги икки йилда эса ушбу вазифани "Прайсвотерхаус Куперс" компанияси бажарди. 1999 йили якунлари бўйича "Артур Андерсен" халқаро аудиторлик компаниясининг аудиторлик текшируви натижасида ижобий хулосалар олинди.

АСОСИЙ МИЖОЗ - ТАДБИРКОР

"Пахта-банк" ташкил бўлгандан буён хусусий тадбиркорлар, фермерлар, деҳқон хўжаликлари, кичик ва ўрта бизнес субъектларига юксак даражада эътибор берилиши билан тижорат банклари ўртасида алоҳида ажралиб туради. Республика Президенти Ислом Каримовнинг шу тоифа ишбилармон кишиларнинг ҳамма турдаги ресурслар, шу жумладан молиявий ресурслардан эркин фойдаланишларини таъминлаш борасидаги талабидан сўнг эса бу "Пахта-банк" фаолияти кун тартибидан тушмай қолди.

Кичик ва ўрта тадбиркорларнинг янги иш жойлари билан таъминлаётгани, тадбиркорлик ва умуман республика иқтисодиётининг ривожланишига кўмак бераётганини ҳисобга олиб, банк кадрлар тайёрлаш, капитал маблағларни жойлаштириш, бизнес ва молиявий операцияларни олиб бориш, лойиҳаларни танлаш, бошланғич капитал ва узоқ муддатли, шу жумладан чет эл валютасида кредитлар олиш муаммолари бўйича консалтинг хизмати марказини тузишни мўлжалламоқда.

"Пахта-банк" қайтаришиши кафолатланганлигини унутмаган ҳолда кредит бериш жараёнларини имкони борича соддалаштиришга ҳаракат қилмоқда. Фақат шу йилнинг ўзида тадбиркорлар учун ўнлаб миллион сўмлик имтиёзли ва оддий ссудалар ажратилди.

"ПАХТА-БАНК" - ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

2780-1

КЎНҒИЛ ҚУШЛАРИ

(Таҳририятга келган машқларни ўқиб)

Ўлкамизда баҳор нашидаси кезмоқда. Ўзининг бутун ҳусну латофатини кўз-кўз қилиб гилослар қийғос мева боғлади. Шундай кезларда юракка фақат эзгу туйғулар ҳамроҳлик қилади. Кўнгил соғинч ҳиссига тўлиб тошади.

Мустақиллигимизнинг тўққизинчи баҳори хосиятли келди. Насиб бўлса, бу йил элимизга тўкин-сочинлик, маъмурчилик олиб келади. Юртбошимизнинг ҳам, у кишининг саъйи-ҳаракатларини дил-дилидан англаган ҳар бир раҳбарнинг ҳам кўнглида, орзу ўйида катта бир ният мужассам. Бу халқимизнинг турмушини фаровон қилиш, Ўзбекистоннинг буюк келажагини таъминлаш!

Таҳририятимизга келаётган хатларнинг мазмун-моҳияти халқимизнинг хуш кайфиятини, юксак орзуларини акс эттиради. Бизни қувонтирган яна бир жиҳати, газетамизни ўқиётганлар сони кўпайиб, ўз фикру ўйларини биз билан баҳам кўраётган мухлисларимизнинг тобора ортиб бораётганлигидир.

Барча хатларга хос жиҳат эса битта: она Ватанимизга бўлган чексиз муҳаббат, огоҳликка даъват, мустақиллигимизни ёмон кўзлардан, бало-қазолардан асраш ҳиссидир.

«Мен узоқ йиллардан буён адвокат бўлиб ишлаб келаман, — деб ёзади Фарғона вилоятидан Қўчқорали Сотиболдиев. — Лекин кейинги йилларда балоғатга етган айрим ёшларимизнинг нотўғри йўлга кириб, ўз ҳаётларини заҳарлаб, озодликдан маҳрум бўлиб кетиши юракни ларзага солади. Улар оналарининг оху зорларини бир тингласа, уни англасалар эди. Менинг ушбу шеърим ёшларни сабоқ чиқаришга ундаса хурсанд бўлур эдим:

Ватан ҳур бўлсин деб, ўтди нечалар,
Ўтди қанча кундуз, қанча кечалар,
Чўлпон, Қодирийлар руҳи бахт тилар,
Наслинг тоза ахир, йўқдир оласи,
Эй ўзбек боласи, ўзбек боласи!

Эл ичра шоир номини олган таниқли қаламкашлар, бухоролик Бахшулло Ражаб, Қашқадарёдан Ўроқ Саид, Наманган вилоятидан Оташ Холмирзаевлар ўз ижод боғининг ифорли шеърлар гулдастасини бизга тақдим этишган.

Ватанга сажда қил, ўпгин тупроғин,
Мард йигит яларми ўзга ярогин?!

Бу ўтли сатрларни Ўроқ Саидов битган. Юртимизнинг турли бурчакларида ана шундай қалби оташ, уйғоқ фикрли ижодкорлар бор. Улар мамлакатимизда бўлаётган катта ўзгаришлари дил-дилидан ҳис қилади. Англаганларини содда тил билан халқимизга тушунтириб беришади. Ҳалол ризқ ила кун кечираётган деҳқонлар эса ўз шоирларига ишонади. Гоҳо кайфияти тушиб, иши юришмай қолган кезларида улардан руҳий мадад олади.

«Ўзбекистонимизни уруш балосидан, ғанимлар ҳасадидан асраган нарса, — деб ёзади Навоий шаҳридан Тоҳир Хўжаев. — Президентимизнинг келажакка бўлган ишончи, метин иродасидир. Ишончи енгиб бўлмайди. Бирники — мингга, мингники — туманга деган гап бор. Мен бу ўхшатишни яхши маънода ишлатгим ва Юртбошимизнинг ишончи ҳозир миллионлаб юраклардан жой олганлигини, баралла айтгим келади. Энг қувонарлиси, Истиқлол булоғидан сув ичган янги авлод дунёга келди. Энди бизнинг йўлимизга ғов бўлмоқ ниятидаги кишиларни замон ўз саҳнасидан супуриб ташлайди». Дил тубидаги эзгу ўйларни ифода этган бу сўзларга қўшилмай бўлмас.

Бухоро вилояти, Шофиркон туманидаги Расул Отамуродов номли мактаб ўқитувчиси Омон Абдуллаев дил туйғуларини шеърий сатрларга жо этиб, «Истиқлол ёғдуси» шеърида қуйидагиларни ёзади:

Истиқлол ёғдусидан кўнгиллар шодондир бу кун,
Кўча-кўйда қўшиқ ҳам гуллар шодондир бу кун,
Қарғалар қайғудаю, булбуллар шодондир бу кун,
Элига иқбол улашган нурли осмонсан, Ватан.

Шунингдек, таҳририятимизга Нукус шаҳридан Толибой Қабулов ҳам ана шу мавзуда бир туркум шеърларини йўллаган.

Таҳририятимизга, Андижон вилоятидан Рафиқ Мухтор, Миродил Мирзаҳамдамов, Сурхондарёдан Муҳайё Ҳамроева, Фарғона вилоятидан, О.Зайнуддинов, Тошкент вилоятидан Нозима Шокиржонова, Қашқадарёдан Ҳаловат Жуманова, Намангандан Кенжабой Норматов, қўшни Қирғизистондан Гулистон Рейимова, Жиззахдан А.Маматқулов, Хоразмдан Ойбек Хайтметов сингари қаламкашлар ҳам ўз ижод намуналаридан йўллашган, турли фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашишган. Мактублар кўнгилдан учган беозор қушлардир. Бундай хатларда инсоннинг руҳияти акс этади. Инсоннинг руҳияти эса унинг кайфиятига таъсир этади. Хушкайфиятли кишиларнинг ишида унум бўлади.

Мактубларни варақлаганимизда шеърларнинг даражаси эмас, уларда акс этган она Ватанга бўлган чексиз ва оташин муҳаббатнинг шуъласи бизни мафтун этди. Ўзбекнинг паҳлавонлари, ботир ўғлонлари кўп. Буюк аллома-лар камал топган табаррук тупроққа бизнинг ҳам киндик қонимиз тўкилган. Бу Ватанда Широқ, Спитамен, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур сингари енгилмас паҳлавонлар, саркардалар туғилган. Мана шу жаннатмакон Ватан ҳақида гўзал бир қўшиқ яратиш иштиёқи ила яшаётган шоирлар бор. Оллоҳ насиб этса, бу тинчликсевар юрт, унинг меҳнаткаш, мард, танти халқи ҳақида шундай гўзал қўшиқ яратамизки, бу қўшиққа бутун жаҳон жўр бўлгувсидир.

Абдурахмон ЖЎРА,
«Халқ сўзи» мухбири.

ФУТБОЛ: ОЛИЙ ЛИГА

ДЎСТЛИКНИ «УНУТАЁТГАН» «ДЎСТЛИК»

Куни кеча футбол бўйича мамлакат IX миллий чемпионати олий лига жамоалари навбатдаги тур ўйинларини ўтказишди.

Бултурги чемпион пойтахт вилоятининг «Дўстлик» жамоаси бу сафар ҳам «дўстлик қилмади». Тракторсозлар майдонида меҳмонда бўла туриб, «уялмай-нетмай» мезбонлар дарвозасига икки тўп йўллашди. Аввал А.Маъруфалиев ана шундай «хурматсизлик» қилган бўлса, орадан бироз ўтиб Ф.Ҳабибулин жамоадошининг «бетгачопарлигини» такрорлади. Бунга жавобан майдон эгалари ҳам меҳмондўстликни четга сурган ҳолда тўп сура бошлашди. Бироқ биттадан ортиқ тўп киритишнинг уддасидан чиқа олишмади.

Ушбу турнинг яна бир қизиқарли учрашуви «Андижон»-«Самарқанд» ўртасида кечди. Майдон эгаларининг кўп сонли мухлислари қанчалик қўллаб-қувватлашига қарамай мезбонлар 2:3 ҳисобида имкониятни бой беришди.

Қолган ўйинларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Хоразм»-«Қизилқум» — 1:1, «Турон»-«Бухоро» — 1:2, «Нефтчи»-«Зарафшон» — 4:0, «Насаф»-«Темирйўлчи» — 3:1, «Металлург»-«Кимёгар» — 3:0, «Сўғдиёна»-«Семург» — 0:2, «Гулистон»-«Пахтакор» — 1:1, «Сурхон»-«Навбаҳор» беллашуви бошқа кунга қолдирилди.

Навбатдаги (8-тур) баҳслари 22 апрел, шанба куни бўлиб ўтади.

Озод БЕК,
«Халқ сўзи» мухбири.

МАЙДОН МАҲОРАТ АТОҒЛАТ

Сиднейда туташар йўллар

ЧЎҚҚИГА ИНТИЛАЁТГАН ЕТТОВЛОН

Сиднейда (Австралия) ўтказиладиган XXVII ёзги олимпиадага республикамиз вилоятлари орасидан энг кўп — 7 спортчи Андижондан боради. Уларнинг бештаси дунёга машҳур боксчилар — жаҳон чемпионлари Муҳаммадқодир Абдуллаев (65,5 кг), Ўткир Ҳайдаров (75 кг), Осиё чемпионлари Руслан Чагаев (91 кг), Сергей Михайлов (61 кг) ва жаҳон чемпионати финалчиси Тўлқин Турғунов (57 кг), оғир атлетикачи Осиё чемпиони Игорь Халилов (105 кг) ва ниҳоят, милтиқдан ўқ отиш устаси, Осиё чемпиони Алёна Аксёнова.

Жаҳон олимпиадаси дунёдаги ўтказиладиган барча мусобақаларнинг юксак чўққиси бўлиб, унда иштирок этишнинг ўзи катта шараф. Зеро, олимпиадага йўлланма олиш энг нуфузли халқаро беллашувлардан муваффақиятли ўтишни тақазо қилади. Хуллас олимпиадага ғалвирдан ўтганлар, сараланганлар, кучлиларнинг кучлилари боради. Андижон доим ўзининг кучли спортчилари билан фахрланиб келган. Аммо ҳеч қачон жаҳон олимпиадасида бунчалик кўп андижонлик спортчи иштирок этмаганди.

Хўш, бунинг сири нимада? Агар олимпиадачиларимизнинг барчаси Андижон шаҳридаги Олимпиада резервлари билим юртининг битирувчилари эканлигини назарга олсак, сирни айнан мана шу даргоҳдан қидиришимиз керак... Биз билим юрти директори Дилшодбек Ҳамзаев билан суҳбатлашганимизда у шундай деди:

— Дастлаб «Олимпиада резервлари» мактаб-интернати сифатида ташкил топган масканимиз мустақиллик шарофати билан билим юрти мақомини олди. Водийдаги, асосан Андижон вилоятидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг энг иқтидорли болалари билим юртимизга танлов асосида 8-синфга қабул қилинадилар. Биз спорт гимнастикаси, теннис, бокс, мерганлик, енгил атлетика, юнон-рум кураши, чим устида хоккей бўйича маҳоратли спортчилар тайёрлашга ихтисослашганмиз. Бироқ сузиш, от спорти, стол тенниси, каратэ, самбо, дзю-до спорти турлари бўйича ҳам иқтидорли ёшлар билан шуғулланадиган қўшимча гуруҳларимиз ҳам бор.

Талабаларимиз 11-синфни тамомлаганларидан сўнг улар орасидан республика терма жамоаси сафига киритилганлари билим юртида ўқишни давом эттирадилар. Хуллас, биз 6 йил давомида талабаларимизни катта спортга ҳозирлаймиз. Бугун Жаҳон Олимпиадасига ҳозирлик кўраётган андижонлик спортчилар ана шу жараёндан ўтганлар. Албатта, ютуқларимизда билим юрти ҳар бир ходимининг хизмати бор. Аммо энг аввало мураббийларимизнинг изланишлари асосий омилдир. Боксчиларимизнинг ютуқларида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббийлар Марс Кўчқоров, Александр Размахов, оғир атлетикачимиз Игор Азимов муваффақиятида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Александр Ким ва мерган Алёна Аксёнованинг зафарларида моҳир мураббийимиз Зарифахон Юсупованинг катта ҳиссаси бор.

Маҳоратли спортчилар тайёрлашда раҳбарнинг жисмоний тарбия ва спортга эътибори муҳим ўрин тутади. Вилоят ҳокимлиги, мутасадди ташкилотларнинг раҳбарлари, мутахассисларининг ғамхўрликлари ҳам олимп чўққиси сари интилаётган андижонлик ёшларга, уларнинг устозларига шубҳасиз мадад беради. Президентимизнинг 2000 йилни «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиши жойларда жисмоний тарбия ва спортнинг янада ривожланишига омил бўляпти. Соғлом, чиниққан болалар қанча кўп бўлса олимпидачилар сони ҳам ортаверади.

Бокс бўйича вилоят терма жамоаси бош мураббийи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий, М.Кўчқоров андижонлик олимпиадачилар Сиднейдан Ўзбекистонга шода-шода медаллар келтириш учун куч ва ғайратларини аямасликларини ва бунинг учун спортчиларимизда маҳорат, тажриба ва фидойилик етарли эканлигини билдирди.

Т.СИДДИҚ,
«Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.

Куршовдан ёриб чиқиш осонмас.
Д. МИХАЙЛОВ олган сурат.

Якинда Хоразм вилояти Янгиариқ туманида ўз даврида воҳанинг забардаст полвонларидан бўлган Каландар полвон хотирасига бағишланган ўзбек кураши бўйича вилоят I очиқ турнири ўтказилди. Беллашувларда воҳа полвонларидан ташқари қўшни Туркманистон ва Қорақалпоғистондан ташриф буюрган юзга якин полвонлар саккизта вазн тоифасида ғолиблик учун ўзаро бахс бойладилар.

ГИЛАМНИ ҚЎЛТИҚЛАБ, ҲЎКИЗНИ ЕТАКЛАБ КЕТДИ

Айниқса, мусобақанинг энг оғир вазн тоифасида ғолиб бўлган янгиерлик Алишер Давлатов ўзига хос мусобақа рекордини ўрнатди. Оғир вазн тоифасида дастлаб шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган Алишер, мусобақанинг иккинчи куни мутлақ вазн тоифасида ҳам барча рақибларини енгиб, иккинчи бор яна ғолибликни қўлга киритди. У турнир ташкилотчилари томонидан қўйилган қимматбаҳо гиламни қўлтиқлаб ва ҳўкизни уйига етаклаб кетди. Қолган вазн тоифаларида ҳам воҳа полвонлари Ш. Юсупов, С. Купалов, М. Отабоев, М. Рўзметов, А. Иброҳимов, У. Раҳматовларга тенг келадигани топилмади. Барча ғолиб ва совриндорлар Янгиариқ тумани ҳокимлиги, вилоят Паҳлавон Маҳмуд хайрия жамғармаси, «Ўздунробита» қўшма корхонасининг Хоразм вилоят бўлими ва бошқа ҳомий ташкилотларнинг фахрий ёрлиқлари ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

Б. БЕКЧАНОВ,
спорт устаси.

«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
Ҳуқуқ — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Ахборот, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик — 132-11-15;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 286, 23728 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II max компьютерида терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ХАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — И. ХУДОЁРОВ.
Навбатчи — А. ЖЎРАЕВ.
Мусаҳҳиҳ — А. САТТОРОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
топширилди — 22.25
1 2 3 4 5 6

Маданият янгиликлари

ТАРИХИМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

Наманган вилояти болалар кутубхонасида Соғлом авлод йилига бағишланган «Тарихимизни ўрганамиз ва фахрланамиз» мавзусида кўрик-танлов ўтказилди. Унда мактаб ўқувчилари томонидан тайёрланган турли хил расмлар, кашталар, ўйинчоқлар, миллий либослар кўргазмаси намойиш этилди. Танловда Давлатобод туманидаги 48-ўрта мактабнинг 7-синф ўқувчилари Сантана Муҳаммаджонова ва Дилдора Акмаловаларнинг ишлари биринчи ўринга муносиб деб топилди. Шунингдек, Вероника Қорабоеванинг ишлаган ўйинчоқлари ҳам барчанинг диққатини тортди. Муаззам Қаюмованинг тиккан кашталари эса миллий каштачилигимизнинг нофосатини яна бир намойиш этди. Ғолибларга эсдалик совғалари топширилди.

«ОФАРИН»ГА ОФАРИН

Жиззах политехника институтида таҳсил олаётган талаба- ёшлар ўртасида «Янги аср авлодлари» деб номланган мусобақа ўтказилди. Унда талабалар «Ўзбекистон ёшлари», «Фидокор-муҳандис», «Офарин» гуруҳларига бўлинган ҳолда ўзаро беллашишди. Иштирокчиларнинг табиатни муҳофаза қилиш, Соғлом авлод йилида ёшлар тарбиясига эътибор ва талабаларнинг ечилмаётган муаммолар ҳақидаги ҳажвий, танқидий, театрлаштирилган чиқишлари олқишларга сазовор бўлди. Беллашувда «Офарин» гуруҳи талабалари ҳар томонлама зукколиклари намойиш этиб, биринчи ўринни эгаллашди. Уларга махсус совринлар берилди.

Садбархон ЖЎРАЕВА.

Азиз курсдошлар, касбдошлар, шогирдлар ва ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИНИ БИТИРГАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Дўстлик ипларини узмаслик, устоз ва шогирдлик анъаналари бўйича **2000 йил 25 апрел соат 12-00 да** Тошкент Давлат Аграр университетининг «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» кафедрасининг профессори Ильбек Абдужаббарович Каримовнинг туғилганига 70 йил ва илмий педагогик фаолиятининг 54 йиллигига бағишланган давра сухбати — учрашувга келишингизни унутманг.

Телефон 56-36-26. Ташкилий қўмита.

2772

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВАЗИРЛИГИНИНГ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ, АҲОЛИ БАНДЛИГИ ВА ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАСИ МУАММОЛАРИНИ ЎРГАНИШ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ МАРКАЗИ

2000 йил учун 08. 00. 10 «АҲОЛИШУНОСЛИК ВА МЕҲНАТ ИҚТИСОДИ»

мутахассислиги бўйича аспирантура ва докторантурага қабул эълон қилади.

Ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой давомида қабул қилинади.

Маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш сўралади: 700095, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, Талабалар кўчаси, 91. Тел: 46-83-01, 46-83-81.

2785

ABN·AMRO Bank
Best Bank in Uzbekistan

CENTRAL EUROPEAN AWARDS 2000

Обрў-эътиборли "Euromoney" молия журналининг «Central European» нашри томонидан

АБН АМРО Банк МБ Ўзбекистон А.Ж.

2000 йилда Ўзбекистоннинг энг яхши банки деб номланди.

Қўшма банкимизнинг асосий таъсисчиси-АБН АМРО Банкдир. Бу универсал тижорат инвестиция банкининг тарихи Голландия тарихининг ўтган аср бошига бориб тақалади. Бугун АБН АМРО Банк дунёнинг 76 мамлакатида ўз филиалларининг кенг тармоғига эга бўлган энг йирик халқаро молиявий конгломератлардан биридир.

Биз:

- Ўзбекистон молия бозорида энг яхши банк хизматларини;
- Банк хизматларининг кенг мажмуасини — пул кўчириш ва тижорат кредитидан тортиб, конвертация жараёнлари ва мижозлар эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган мураккаб таркибий молиялаштиришгача;
- Электрон банк иши ("банк-мижоз тизими") ва пластик-кредит карточкалари каби маҳаллий бозор учун мутлақо янги бўлган банк хизматларини тақдим этамиз.

СИЗНИ ЎЗ МИЖОЗЛАРИМИЗ САФИДА КЎРИШДАН ХУРСАНДМИЗ.

ABN·AMRO The Network Bank

Бизнинг манзил: Тошкент ш., Ҳ.Олимжон майдони, Ғарбий томон, Бизнес-комплекс, 4-подъезд.
Телефон: 120-61-41.
Факс 120-63-67.

2777

Ўзбекистон Бадиий Академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти жамоаси институт етакчи илмий ходими, санъатшунослик доктори Ильдар Мухторовга волидаи муҳтарамаси
Роза МУХТОРОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбек ипаги» уюшмаси, «Шойи» акциядорлик ва «Пилла-холдинг» холдинг компаниялари бошқаруви ва жамоалари «Пилла-холдинг» холдинг компаниясининг Илмий тадқиқот, стандартлаштириш ва сертификациялаш бўйича бош мутахассиси Анвар Шомагдиевга онаси
МАҲБУБА аянинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Савдо ва тижоратга кўмаклашувчи «Савдогар» ихтисослаштирилган акциядорлик тижорат банки бошқаруви ва жамоаси Сурхондарё вилоят бўлими бошлиғи Абдураҳим Холмудоровга падари бузрукворлари
Тўра ХОЛМУРОДОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.